
2022 йилда фуқаролар ташаббуси бўйича амалга оширилаётган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрель кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш жараёнида “Фуқаролар ташаббуси” жамғармасида назарда тутилган маблағлар доирасида **2022 йил 1 босқич доирасида февраль-март ойларида жами 4 985.4 млн сўм маблағлар доирасида ҳудудлардаги мавжуд муаммолар бўйича овоз бериш жараёни ташкил этилди.**

“Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилган 64 та лойиҳалар бўйича овоз бериш якунларига кўра, жами **21 758** нафар фуқаролардан мавжуд муаммоларни долзарблилигидан келиб чиқиб, овозлар келиб тушди.

Натижада, овоз бериш якунларига кўра ажратилган маблағлар доирасида туманда жами 6 та таклиф ғолиб, деб топилди.

Жумладан;

- Гастон МФЙ ҳудуди инфратузилмасини яхшилаш бўйича лойиҳа қиймати **782,0 млн.сўм** бўлган таклиф 2319 та овоз билан 1-ғолиб;

- Корасокол МФЙ ҳудуди инфратузилмасини яхшилаш бўйича қабул қилинган **902.2 млн сўмлик лойиҳани қўллаб қувватлаб**, 2312 та овоз 2-ғолиб;

-Сувлиариқ МФЙ Эшонтўпи қишлоғидаги Эҳтиром кўчасининг 1650 метр қисмини асфальтлаштириш бўйича лойиҳа қиймати **600.0 млн сўм** бўлган таклиф 2312 та овоз билан шакллантирилган таклиф 3-ғолиб;

-Янгибўстон МФЙ ҳудудидаги инфратузилмаси жойларини яхшилаш мазмунидаги лойиҳа қиймати **495.8 млн** сўм бўлган, 2131 та овоз билан шакллантирилган таклиф 4-ғолиб;

-Корасоқол МФЙ ҳудудидаги яроқсиз ҳолга келиб қолган Асалчилик, Наврўз, Ибрат , Истиқлол кўчаларига 6.8 км йулларга асфальт ётқизиш, 2 км тупрокли кучаларни шағаллаштириш ишларини амалга ошириш бўйича киритилган лойиҳа қиймати **999.9 млн сўм** бўлган таклиф 1745 та овоз билан 5-ғолиб;

-Истиқлол МФЙ ҳудудида яроқсиз ҳолга келиб қолган Қайрағоч кўчаси, Тадбиркорлар кўчаси ва Истиқлол кўчаларини 4.4 км қисмига асфальт ётқизиш ишларини амалга ошириш бўйича киритилган лойиҳа қиймати **971.5 млн сўм** бўлган таклиф 1658 та овоз билан 6-ғолиб, деб топилган.

Ҳозирги кунда ушбу ҳудудларда лойиҳа смета хужжатлари асосида таъмирлаш ишлари амалга оширилаётган бўлиб, келгуси 2-босқич доирасида назарда тутилган маблағлар доирасида туманнинг оғриқли ҳудудларидаги мавжуд муаммоларини ҳал этилишида ўзнинг ўзининг муносиб ҳиссангизни қўшиб боришингизда ишонч билдирамиз.

ЁЗЁВОН ТУМАН МОЛИЯ БЎЛИМИ

2022-06-01 21:43:34